

Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигининг 2021 йил давомидаги фаолияти юзасидан ҳисобот маълумотлари

I. Умумий маълумотлар

Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ташкилотининг Спортда допингга қарши курашиш бўйича Халқаро конвенциясини 2010 йил 19 декабр куни имзолаган.

Мазкур Конвенциянинг 4-моддаси (ҳар бир аъзо-давлат томонидан Бутунжаҳон антидопинг кодекси талабларига қатъий риоя қилиш тўғрисида), 5-моддаси (спортда допингга қарши курашиш соҳасида ягона миллий сиёсатни олиб бориш тўғрисида) ва 7-моддаси (миллий антидопинг ташкилоти фаолияти учун тегишли шароитлар яратиш тўғрисида), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 январдаги ПҚ-3457-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги ташкил этилган (Uzbekistan National Anti-Doping Agency – UzNADA).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5057-сон қарорига асосан Агентликнинг ташкилий тузилмасига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, ташкилотнинг жами ходимлари сони 25 нафаргача, антидопинг йўналишларига кўра бўлимлар сони 4 тагача, хизматлар 3 тагача кенгайтирилди. Шунингдек, Агентликнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланиб, антидопинг таълим дастурларини жойларда ўтказилишини таъминлаш, спортчилардан қон ва пешоб допинг-синнамаларини жойларга чиқиб бениқсон йиғиш ва етказиш ҳамда хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун жами 3 дона махсус жиҳозланган автотранспорт воситаси билан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Қодирий кўчаси, 2-уй (12-чи қават) манзили бўйича бинога жойлаштирилди.

Бутунжаҳон антидопинг кодексининг 28-моддасига мувофиқ, Агентлик давлат бошқаруви органи ҳисобланиб, мамлакатда миллий антидопинг дастурини мустақил режалаштиради ва уни Спортни ривожлантириш вазирлиги,

Миллий олимпия в апаралимпия қўмиталари ҳамда миллий спорт федерациялари (уюшмалари) билан мувофиқлашган холда жорий этади.

Ўз фаолиятида Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги қуйидаги ташкилотларга бевосита бўйсунди:

- антидопинг таъминоти соҳасидаги кунлик ва оператив фаолияти масалалари бўйича – WADA Бутунжаҳон антидопинг агентлигига;

- умумий ва мувофиқлаштириш фаолияти масалалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига.

II. Агентлик тузилмаси

2021 йил 6 апрел ҳолатига кўра, Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигининг таркиби 4 та тармоқ бўлимларидан ташкил топган:

1. Допинг назорати бўлими (бўлим бошлиғи ва 6 нафар мутахассис);

2. Антидопинг таълим дастурлари бўлими (бўлим бошлиғи ва 1 нафар мутахассис);

3. Антидопинг қоидабузарликларини ўрганиш ва ADAMS мониторинги бўлими (бўлим бошлиғи ва 1 нафар мутахассис);

4. Допинг синовларини режалаштириш ва терапевтик истиснолар бўлими (бўлим бошлиғи ва 1 нафар мутахассис).

Бундан ташқари, Агентликда молия-иқтисодиёт (3 нафар мутахассис), юридик (1 нафар мутахассис), матбуот (2 нафар мутахассис) ҳамда инсон ресурсларини ривожлантириш (1 нафар мутахассис) хизматлари, бошқа ёрдамчи персонал мавжуд.

Агентликнинг антидопинг дастурларини молиялаштириш 2021 йилда 2018 йилга нисбатан 1,54 баравар ортиб, спортчилардан допинг-синамаларни олиш кўрсаткичи йилига 800 тагача етказилди.

2018 йил 6 март кунидан бошлаб UzNADA бош директори лавозимида Нодиржон Турсунов фаолият кўрсатиб келмоқда. Н.Турсунов тиббиёт фанлари

доктори, доцент илмий унвонига эга бўлиб, Халқаро олимпия қўмитаси томонидан сертификатланган спорт шифокори (2016), Халқаро паралимпия қўмитаси томонидан сертификатланган шифокор-классификатори (2014), халқаро тоифадаги допинг-назоратчи (2015), паралимпия терма жамоалари ва турли спорт делегациялари бош шифокори ва шифокори (2012-2021 йй.), 300 га яқин илмий ишлар (шу жумладан, 50 дан ортиқ ихтиро ва рационализаторлик таклифлар; спорт тиббиёти ва допинг-назорати, даволовчи ва адаптив жисмоний тарбия, олимпия ва паралимпия спортининг тиббий-биологик таъминотида оид 8 дарслик) муаллифи, «Шухрат» медали (2021 й.), «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони (2010 й.), «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони (2013 й.), «Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт аълочиси» (2020 й.) кўкрак нишони билан тақдирланган.

III. Агентликнинг халқаро ташкилотларида аъзолиги

Ўзбекистон Республикаси (Агентлик орқали) 2018 йилдан бери WADA Бутунжаҳон антидопинг агентлигига аъзо бўлиб, ўз вазифа ва мажбуриятларини 2021 йил давомида бажаришда давом этди. Агентлик 2021 йил учун 21984,0 АҚШ доллари миқдорида аъзолик бадалини белгиланган муддатида тўлаб, WADA олдида ҳеч қандай қарздорлиги йўқлигини таъминлади.

UzNADA Афғонистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Монголия, Покистон ва Ўзбекистон давлатларидан иборат Марказий Осиё бўйича Минтақавий антидопинг ташкилотида (RADO-CA) ҳам аъзолик вазифа ва мажбуриятларини 2021 йил мобайнида бажаришда давом этди.

2021 йилда UzNADA МДҲ ва Туркий забон давлатлар ҳамкорлиги доирасида антидопинг масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашлар таркибига кирди.

UzNADA бош директори 2018 йил ноябр ойидан бошлаб RADO-CA ташкилотининг Ижроқўми аъзоси этиб сайланган. 2021 йилда UzNADA бош директори ЮНЕСКО ташкилотининг Спортда допингга қарши курашиш Халқаро конвенциясига мувофиқлик бўйича Миллий платформа раиси сифатида ЮНЕСКО ҳузуридаги ADLogic тизимининг Мониторинг гуруҳида Ўзбекистон Республикаси номидан мувофиқлаштирувчи масъул вакили бўлиб фаолият юритди.

IV. Хорижий антидопинг ташкилотлар билан ҳамкорлик

Ҳамкорлик, тажриба алмашиш ва мутахассисларни тайёрлаш тўғрисидаги меморандумлар доирасида 2021 йил давомида Миллий антидопинг агентлиги куйидаги ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширди:

1. WADA Осиё-Тинч океани Офиси билан – антидопинг таълими ва допинг-тестлаш соҳасида. 2021 йил давомида WADA грант лойиҳаси асосида Офис билан ҳамкорликда 40 та допинг-синама олинди ва 200 дана «Допинг истеъмолининг саломатликка зарари» услубий қўлланма нашр этилиб спортчи ва мураббийларга тарқатилди;

2. Корея миллий антидопинг агентлиги (KADA) билан – TUE-мутахассисларини тайёрлаш ва терапевтик истисноларни расмийлаштириш соҳасида. 2021 йил давомида онлайн шаклдаги ўқув курсида 2 нафар TUE-мутахассиси малака оширди;

3. Япония миллий антидопинг агентлиги (JADA) билан – ABP-мутахассисларини тайёрлаш ва спортчиларнинг биологик паспортларини жорий этиш соҳасида. 2021 йил давомида онлайн шаклдаги ўқув курсида 1 нафар ABP-мутахассиси малака оширди;

4. Туркия миллий антидопинг қўмитаси (TADC) билан – TDP-мутахассисларини тайёрлаш, допинг-синовларини режалаштириш ва

тақсимлаш, натижаларни таҳлил қилиш соҳасида. 2021 йил давомида онлайн шаклдаги ўқув курсида 1 нафар TDP -мутахассиси малака оширди;

5. Россия миллий антидопинг агентлиги (RUSADA) билан – допинг-назоратчиларини тайёрлаш ва спортчилардан ўзаро допинг-синамалар олиш соҳасида. 2021 йил давомида онлайн шаклдаги ўқув курсида 3 нафар допинг-назоратчи малака оширди;

6. Хитой миллий антидопинг агентлиги (CHINADA) билан – DBS-мутахассисларини тайёрлаш ва қон синамаларини тестлаш соҳасида. 2021 йил давомида онлайн шаклдаги ўқув курсида 1 нафар DBS-мутахассиси малака оширди;

7. Сайберсдорф (Австрия), Анкара (Туркия) ва Токио (Япония) антидопинг лабораториялари билан – APMU-мутахассисларини тайёрлаш, спортчиларнинг қон ва пешоб допинг-синамаларини таҳлилий тадқиқот қилиш ва сақлаш соҳасида. 2021 йил давомида онлайн шаклдаги анжуманда 1 нафар APMU-мутахассиси тажриба алмашди, антидопинг лабораторияларга таҳлил қилиш ва сақлаш учун 749 та қон ва пешоб допинг-синамалари юборилди;

8. Бутунжаҳон антидопинг агентлиги билан келишган ҳолда, UzNADA Туркманистон ва Қирғизистон миллий антидопинг агентликларига антидопинг дастурларини жорий этиш юзасидан амалий-услубий ёрдам кўрсатди.

V. Агентлик фаолиятида эришилган натижалар

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб-чиқиш соҳасида:

2021 йил 1 январдан бошлаб UzNADA томонидан ишлаб чиқилиб ва WADA Бутунжаҳон антидопинг агентлиги сертификациясидан ўтган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Миллий антидопинг қоидалари кучга кирди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Қоидаларга тегишлилигича 14 та миллий стандарт, протокол ва шакллар мувофиқлаштирилди.

Антидопинг таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасида:

Антидопинг таълим дастурлари билан спортчилар, мураббийлар, тиббий ва бошқа ходимларни қамраб олиш (35 спорт федерациялари, 6 республика олий спорт маҳорати мактаблари, 15 олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари, 11 спорт йўналишдаги олий таълим муассасалари ва факультетларида 2021 йил давомида ўтказилган 316 та семинар-тренинглар), муқобил таълим шаклларини татбиқ этиш (онлайн-семинарлар; тренинглар, Outreach-дастурлар, ўқув-машғулот йиғинлари ва мусобақалар ўтказиш жойларидаги анжуманлар) даражаси ва хажми бўйича Агентлик RADO-CA аъзо-давлатлар ичида биринчи ўринни эгаллади.

Допинг-синовларини амалга ошириш соҳасида:

Ўтказилган допинг-синовларнинг умумий миқдори, шакли ва турлари бўйича Агентлик иккинчи ўринни эгаллаган бўлса (Қозоғистон Миллий антидопинг агентлигидан кейин), допинг-синовларини ўтказиш йиллик динамикаси бўйича эса (2018 йилда – 40; 2019 йилда – 277; 2020 йилда – 615; 2021 йилда – 749 допинг-синама) Агентлик RADO-CA аъзо-давлатлари ичида биринчи ўринни эгаллади. Шу билан бирга, ижобий натижали допинг-синамаларнинг манфий динамикаси (2018 йилда – 2,6%; 2019 йилда – 2,1%; 2020 йилда – 1,7%; 2021 йилда – 1,4%) WADA Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг ўртача статистик кўрсаткичига етказилгани амалга оширилаётган миллий антидопинг дастурининг самарадорлигини тасдиқлаб берди. 2021 йилда

Ўзбекистон антидопинг ҳаракатининг тарихида биринчи марта қон допинг-синнамалари олиниб (5 та АВР-синнамалари), Анкара антидопинг лабораториясида таҳлил қилинди.

Допинг-тестлаш жараёнининг дастурий ва техник таъминотини таъминлаш соҳасида:

2021 йил 1 июлдан бошлаб Агентлик допинг-назоратчилари мусобақалар ҳамда ўқув-машғулот йиғинлари давомида допинг-синнамалар олиш чоғида маълумотларни киритиш бўйича WADA Бутунжаҳон антидопинг агентлиги тавсия этган электрон расмийлаштириш тизимига тўлиқ ўтишди. Бунинг учун Агентлик WADA DCO Central порталига ўланиб, 6 та махсус дастурий таъминотли планшетларни харид қилди. Агентликнинг барча допинг-назоратчилари электрон протоколлар билан ишлаш учун аккредитациядан ўтишди. Бунинг натижасида, 2021 йилда Ўзбекистон ушбу электрон протоколлаштириш тизимини жорий этиш бўйича RADO-CA аъзо-давлатлари ичида биринчи ва жаҳон давлатларининг биринчи ўнталигидан жой олди.

Йирик спорт мусобақалари ташкилотчилари билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

2021 йил давомида Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтган барча 13 халқаро мусобақалар давомида Агентлик мутахассислари ўтказган допинг-назорати ва антидопинг тарғибот-ташвиқот ишларининг сифатига йирик спорт мусобақалари ташкилотчилари (Халқаро олимпия қўмитаси, Халқаро паралимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича Осиё конфедерациялари, халқаро спорт федерациялари) томонидан юқори баҳо берилди. Бошқа антидопинг ташкилотлари (ITA, Smart-Testing, IOC-Testing, IPC-Testing ва бошқалар) хизматларини танлашдан кўра

UzNADA мутахассисларини Ўзбекистонда ўтказилаётган жаҳон ва Осиё чемпионатлари ва кубокларига жалб қилиш кўрсаткичи 2020 йилга нисбатан 1,6 барвар ортди. Масалан, 2018 йилда UzNADA допинг-назоратчилари 2 халқаро мусобақада допинг-синамалар олишган бўлса, 2019 йилда бу рақам 6 тани, 2020 йилда – 8 ва 2021 йилда – 13 тани ташкил этди.

Бутунжаҳон антидопинг кодекс ива Халқаро стандартларга мувофиқлик аккредитациясидан ўтиш соҳасида:

2021 йил 16 декабр куни WADA CRC Кодексга мувофиқлигини аниқлаш қўмитаси берган 23 назорат талаблари Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги томонидан бажарилиб, амалиётга татбиқ этилди. Бунинг натижасида UzNADA 2022-2023 йилларда антидопинг фаолиятининг тўлиқ циклини амалга ошириш учун WADA аккредитациясидан муваффақиятли ўтди.